



ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ГРАДУОНИМИЯ ТАҲЛИЛИ

Неъматова Моҳибегим Фазлиддиновна

Бухоро давлат университети

Табиий йўналишларда чет тили кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада лугат бойлигини лугавий маъно гуруҳларга (ЛМГ) ажратиш сўзлараро маъновий муносабатларни ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тилшуносликда сўзлараро маъновий муносабатлар тушунчаси остида асосан синонимик ва антонимик муносабатлар тушунилиши ҳақида очиқ берилади. Шунингдек, ўзбек ва инглиз тилига хос бўлган градуаллик категориялари, уларга хос бўлган даражалар мисоллар ёрдамида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: градуонимия, градуаллик, тилшунослик, синонимлар, ўхшашлик, даражалар, категориялар, умумий маъно, бирлаштириш.

АНАЛИЗ ГРАДУОНИМИИ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ

Нематова Моҳибегим Фазлиддиновна

Бухарский Государственный Университет

Преподаватель кафедры иностранных языков в естественных направлениях

Аннотация: В статье лексическое богатство делится на лексико-семантические группы (ЛСМ) и тесно связано с изучением межглагольных семантических отношений, а в лингвистике понятие межглагольных семантических отношений объясняется в основном пониманием синонимических и антонимических отношений. На примерах анализируются градуальные категории, специфичные для узбекского и английского языков, а также их конкретные уровни.

Ключевые слова: градуонимия, градуальность, языкознание, синонимы, сходство, степени, категории, общее значение, сочетание.

GRADUONYMY ANALYSIS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

Nematova Mohibegim Fazliddinovna

Bukhara State University

Teacher of the Department of Foreign Languages in Natural Sciences

Abstract: The article divides lexical richness into lexical semantic groups (LMG) and is closely related to the study of inter-verbal semantic relations, and in linguistics the concept of inter-verbal semantic relations is explained mainly by the understanding of synonymous and antonymic relations. Gradualit categories specific to Uzbek and English, as well as their specific levels, are analyzed using examples.

Key words: graduonymy, graduality, linguistics, synonyms, similarity, degrees, categories, general meaning, combination.

Кириш. Туркий тиллар оиласига мансуб бўлган ўзбек ва роман-герман тиллари оиласига мансуб инглиз тилларида маъновий даражаланишни қиёсий тадқиқ қилиш асносида бу икки тилнинг ўхшаш ва бир-бирига яқин жиҳатлари кўзга ташланади. Туркий тил ҳисобланадиган ўзбек тили ва унинг лексикасидаги сўз, ибора ҳамда лугат бойлигини лугавий маъно гуруҳларга (ЛМГ) ажратиш ўз навбатида тилшинослик



сўзлараро маъносига қараб маъновий алоқасини ўрганиш билан узвий боғлиқ. Ўзбек тилишунослиги фанида сўзлараро маъновий муносабатлар деганда асосан сўз ва ибора маъноларининг бир-бирита яқинлиги, яъни синонимик ва антонимик муносабатлар тушунилади. Маълумки, сўзларнинг синонимик, антонимик қаторлари билан бирга ўзбек тилининг сўзларнинг ўхшашлиги, маъносининг яқинлигига кўра маъновий даражаларга ажралишига асосланган ЛМГлар ҳам мавжуд.

Ўзбек тилидаги луғавий бирликлар ўзаро яқин маъносига кўра алоқаси ва муносабатларига кўра маълум бир даражаларга ажралиш қаторларини ташкил этиши тилишуносликда қадим даврлардан маълум бўлиб, бунинг энг ёрқин намунаси туркий тиллардаги “ўрта” ибораси ҳисобланади ва у ўз ичига бир нечта сўзлар қаторини олади:

Масалан: узун – ўрта – қисқа, катта – ўрта – кичик, баланд – ўрта – паст, ёш – ўрта – қари, узоқ – ўрта – яқин ва шу кабилар.

Тилишуносликда, азалдан маълумки, “ўрта” ибораси билан боғлиқ лексик бирликлар маъносига кўра ва белги-хусусиятига қараб ўртачалик, мўътадиллик, оралик маъносида, яъни бир-бирита қарама-қарши (катта-кичик, йўғон-ийгичка, семиз-ориқ) сифатлар оралиғидаги ҳолат ёки белгини акс эттиради. Шунинг учун “ўрта” сўзи иштирок этадиган учта иборадан иборат қаторларда (катта – ўрта – кичик, кенг – ўрта – тор) лексик даражаланишларни билиш ва сезиш қийинчилик туғдиради. Зеро, бундай учта сўзли қаторларда иккита бир-бирита қарши ва зид сифат-белги ўртасида сифат ва ҳолатлар назарда тутилади. Бироқ, “ўрта” ибораси иштирок этган учта сўзли қаторда бир-бирита зид сифатлар ва белгиларга кўра эмас, балки маълум бир сифатнинг “кам – кўп – жуда кўп”, “йўқ – кам – кўп” деб англаниши ҳам мумкин. Шунингдек, бунда “ўрта” ибораси иштирокидаги уч сўзли қаторларда маъносига қараб даражаланишни кўриш мумкин бўлади.

Асосий қисм. Ўзбек тилида сифатни даражаларга ажратиб, уни номлаб келувчи ибора ва сўзларни ўзаро қўшиш қадимдан тилишуносликда узоқ тарихга эга. Ўзбек тилишунослигида маъносига қараб даражаланувчи ибора ва сўзларни тадқиқ этиш ва уларнинг қаторини махсус ҳодиса сифатида ўрганиш ҳамда таснифлаш 15-асрдаёқ машҳур ўзбек шоири Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” (Икки тил муҳокамаси) рисоласида кўзга ташланади. Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида йиғламоқ сўзидан ясалган “йиғи” ҳолатини ифодаловчи сўзларни қуйидаги даражаларини ва белгиларини ажратиб кўрсатади:

инграмоқ – синграмоқ – йиғлансинмоқ – йиғламоқ – сиқтамоқ – ўкирмамоқ – ҳой-ҳой йиғламоқ.

Навоийдек улғу шоир ва буюк мутафаккир бу ибора ва сўзларнинг ҳаммасини битта умумий маънода ишлатади. Яъни бу ибора ғам-андух, маҳзунлик, изтироб чекиш каби маънони ифодалаш мақсадида шу сўзларнинг атрофида қўшишни ва изтироб билан овоз чиқармай ич-ичдан йиғлашни билдирадиган “инчқирмак” сўзидан, баланд овоз чиқариб, ошқора ва узоқ йиғлашни англатадиган “ҳой-ҳой йиғламоқ” сўзига қараб ортиб бориши, сифат даражасининг ўсишини таъкидлайди ҳамда бунга чиройли далил ва мисоллар келтириб ўтади.

Ўзбек тилида сифатларнинг ва ибораларнинг маъносига қараб даражаларга ажралишини ўрганиш эътиборга лойиқ бир масала ва алоҳида муаммо эканлиги маълум [1,69-77]. Олимлар сўзларнинг ижобий баҳо даражасидаги сифатлари ва уларнинг



маъноси таркибни тавсифида тилшуносликда биринчилар қаторида сифат даражасини ифодалайдиган ижобий бўёқ даражаси семалари деган тушунгани киритган эдилар.

Ўзбек олими ва тилшуноси Ш.Орифжонова ўзининг тадқиқотида градуонимия, яъни лексик даражаланиш сўзини тилшунослик атамаси сифатида биринчилар қаторида Р.Сафарова ва "Систем лексикология тезислари" китобининг муаллифлари ишлатишгани ва унинг ўзи ҳамградуонимия атамасидан фойдаланганини айтади.

Ҳозирги замонавий тилшунослик фанида градуонимия, яъни ўзбекча муқобили сифатида ишлатиладиган даражаланиш атамаси тилдаги ибора ва сўзлар ўртасида маъносига кўра алоқа ва муносабатга киришиш дегани бўлиб, шунини намойиш этувчи илмий тушунчани аниқлатади. Албатта, ушбу атама ва тушунча остида ибораларнинг маъновий муносабатлари ҳамда уларнинг билан боғланган ибораларнинг ва уларнинг турушлигининг лингвистик мазмун-моҳияти ўзига хосдир.

Сифатлар ва сўзларнинг даражаланиш муносабатлари билан боғлиқ сўзларни қуйидаги асосларга ажратиш мумкин:

- а) соф лисоний асослар;
- б) ғайрилисоний асослар.

Даражаланишдаги ғайрилисоний асоснинг моҳияти атроф-муҳитдаги ашё, нарса-буюм, сифат-белги ва хусусиятларда сифатий фарқланиш билан бирга миқдорига кўра фарқланиш ҳам бўлади. Мисол тарзида, тирик жонни келтириш мумкин, яъни тирик жон борки ривожланиши ва ўсиши тайин. Тирик организмнинг ўсиши замон, вақт ва ёш билан боғлиқ бўлади. Тирик жон камолотга етиш даврида бир ҳолатдан бошқа ҳолатга қараб ўзгаради, яъни одам нутфа, бир тишлам гўшт, гўдаклик, ёшлик, навқиронлик, етуклик, қарилик ҳолатларини, ўсимлик эсауруелик, навниҳоллик, кўчатлик, гуллаганлик, етилганлик, қуриш каби даврлардан ўтади. Табиатда учрайдиган ранг, бошқа сифат-белгилар ҳам турли туман ва ранг-барангдир, бир гулдаги гуллар ҳар хил бўлади, бирининг ранги очик ёки тўқлигига қараб ажралади. Атроф оламдаги предметлар ва ашёлар ўртасидаги сон ҳамда миқдорга кўра фарқлар хилма хиллиги учун, уларнинг ҳаммасини таъриф-тавсифлашнинг имкони йўқ ва уларни ҳам саногини билиб бўлмайди. Инсоннинг фаол ақли ва онги оламдаги шу каби миқдорий фарқларни сезади ва акс эттиради. Инсон тили зеҳният ва онгнинг шакли бўлганлиги туфайли онгда акс этадиган шундай сон ва миқдорга тааллуқли фарқларни ҳам ифодалашни аниқ. Албатта, шу каби миқдорий фарқлар ҳар хил турли усуллар - аниқловчи, миқдорий кўрсатувчи, ўлчов бирликлари ва бошқалар билан, жумладан, алоҳида қўлландиган ибора ва сўзлар билан ҳам ифодаланади: бўталоқ-туя, тойчоқ-айғир-от-арғумоқ-тулпор, ниҳол-кўчат - дарахт, чақалоқ- гўдак -бола, гўсала- бузоқ -ғунажин -сипир.

Луговий тизимдаги айғиб ўтилган омил градуонимик муносабатлар мавжудлигига далил бўлиб, ғайрилисоний (нолингвистик) омили ҳисобланади.

Градуонимик муносабатларни таснифлаш ва ажратишнинг лингвистик омили қуйидаги икки ҳодиса билан ифодаланади: а) маъновий омили; б) сўзлараро парадигматик муносабатлар омили.

Градуонимик ибора ва сўзларни ажратишда маъносига қараб таърифланадиган омилининг моҳияти бир қатордаги сўзларда помлаш ва аташ семалари ичида сон ҳамда миқдорга, яъни маълум бир сифат ва белгининг өз ёки кўплигига, ҳар хил даражаларига ишора борлиги билан ажралади. Масалан, дарча – эшик – дарвоза аши ва предметни



биддирадиган дарча – эшик – дарвоза сўзлари маъноларининг “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” да изоҳланишига эътибор қилайлик:

1. Дарча – илгари вақтларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки қўш тавақали, эшик ёки деворга ўрнатилган кичкина эшикча, ё дераза [2, 212].

2. Эшик – уй, хона, бино ё ҳовлининг кираверишида ўрнатилган очиб-ёпиб туриладиган мослама [2, 457].

3. Дарвоза – ҳовли, кўрғон, қалъа, завод ва шу кабиларга кириладиган, очилиб ёпиладиган катта эшик, қопқа [2, 209].

Бу ибораларнинг лексик маъносини изоҳлайдиган аташ, номлаш семалари таркибида сон ва миқдорий кўрсаткичларга, хусусиятларга ишора қилувчи сўзлар ва иборалар, таркибий қисмлар акс этганини кўрамиз. агар эътибор қилинса, дарча бу кичкина ва эшикча маъносидаги тавсиф, дарвоза эса катта сўзи билан ўзига хос хусусиятларни кўрсатиб, шуларга ишора қилмоқда.

Ўзбек тилида градуонимияга мисоллар кўп. Ҳар бир сўзнинг даражаланишини синонимларда ҳам учратиш мумкин. Юқоридаги мисолга ўхшаш ҳолда масалан, шабада, шамол, бўрон, уюрма каби сўзларнинг ҳаммаси шамолнинг кучайиб боришига кўра даражаланади.

Ўзбек тили билан инглиз тилини қиёслаганда ҳам шундай градуаллик мавжудлиги ва уларнинг ўзига хослигини гувоҳи билишимиз мумкин. Кўпчилик тилшунослар асосан инглиз тилидаги градуаллик биринчи навбатда эксплицит ҳолатда ифодаланади деб ҳисоблайдилар. Эксплицитдеганда, сифатловчи аниқловчилар ва уларнинг сўз бирикмаларини қиёслаш даражаларини даражаларнинг равишлари (интенсификаторлар) ёрдамида қиёслаш тушунилади. Бунда сўз бирикмаларидаги равишлар белгиланган мустаҳкам ўринга эга бўлади, яъни сифатга нисбатан препозицияда туради. Истисно тариқасида фақат enough равиши бўлиб, у сифатдан кейин келади: nice – natural – commonenough.

Инглиз тилининг агънавий грамматика қоидаларига кўра даражалар равиши гуруҳи (интенсификаторлар) равишларнинг семантик таснифи қисми сифатида ажралиб туради. Масалан, вақт, жой, йўналиш, такрорланиш, ҳаракат шакли ва бошқа турдаги равишлари қаторида туради. Бу гуруҳ равишлар ўз навбатида одатда уч гуруҳга бўлинади:

1. Ажратиб кўрсатувчилар (emphasizers), улар тўғри эканлигини акс эттирувчи ҳисобланади. Уларга қуйидаги коммуникациялар киради: really, actually, clearly, definitely, indeed, plainly, simply, literally, just, at all, etc.;

2. Кучайтирувчилар (amplifiers), улар юқори мартаба ва даражани ифодалайди: – absolutely, altogether, completely, entirely, extremely, fully, perfectly, quite, thoroughly, utterly, very, much, badly, bitterly, deeply, (by) far, greatly, heartily, terribly, a great deal, etc.;

3. Куйи даражани ифодаловчи равишлар (downtoners): – quite, rather, enough, sufficiently, more or less, moderately, partly, slightly, somewhat, (a) little, a bit, barely, hardly, scarcely, almost, nearly, kind of, sort of, etc. [3, 376–377].

Инглиз тилидаги даражалар равишини бошқа таснифлари ҳам таклиф этилади. Замонавий лингвистик адабиётларда турли даражаларни ифодалайдиган равишларни белгилаш учун «градуатор» ёки «равиш-градуатор» атамаси қўлланила бошланди. Айнан шундай градуаторларни таснифлашнинг маънавий тузилишини тадқиқотчилар Л.А. Фурс ва И.В. Назароваларнинг ишларида учратиш мумкин. Муаллифлар турли равиш-



градуаторларнинг дугавий дефиницияларини таркибий таҳлил ўтказиш асносида қуйидаги типологияни ажратиб кўрсатдилар:

- 1) белгиси намоён қиладиган охириги даражани кўрсатувчи градуаторлар – *extremely, fully, totally, utterly, completely, absolutely, wholly, entirely* ва ҳоказо;
- 2) юқори даражани ифодаловчи градуаторлар – *widely, highly, greatly, very* ва ҳоказо;
- 3) белгининг етарлича даражада намоён бўлишини вербализацияловчи градуаторлар – *relatively, sufficiently* ва ҳоказо;
- 4) белгининг паст даражада намоён бўлишини ўзига хослигини ифодаловчи градуаторлар – *alittle, just, a bit* ва ҳоказо [4, 34].

Инглиз тилидаги равиш-градуаторлар нутқнинг турли қисмлари билан синтактик алоқага киришиш хусусиятига эга. Масалан, сифатлар, феъл, равиш, эга ва сифатдошлар билан алоқага кириша олади. тадқиқотчиларнинг фикрича, сўз бирикмаларида конструкциянинг иккинчи компоненти лексик маъноси модификацияси ўрин тутади, унинг тури градуация натижасида градуаторлар билан бирлаша оладиган нутқ қисмларининг семантик ўзига хос хусусиятлари воситасида белгиланади.

Масалан, инглиз тилидаги сифатлар маълум бир хусусият, сифат, белгига ишора қилиб, улар холистик, бирор бир қисмини ажратмаган ҳолда қабул қилинади: *a personal view*. Холистик модификация асосида намоён бўладиган белги, сифат, хусусиятнинг бутун бир ҳажми қабул қилиниб, унинг кейинги градуацияси инобатга олинади. У партитив модификациядан фарқ қилади. Партитив модификацияда бутун бир характеристикадан биттаси ажратиб олинди, ўша олинган қисм градуация қилинади [4, 36].

Ушбу ҳолатда равиш-градуаторлар полисемантик лексик бирликлар бўлганлиги учун уларнинг мос равишда уйғун келиши лексик маънога боғлиқ бўлади. Бунда улар белгининг градуаторлари сифатида иштирак этади. Ушбу маънони градуал деб атаса ҳам тўғри бўлади.

Инглиз тилидаги матнларда сифатлар (*adjectives*) иштирак элмаган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу лексик қонуният бўлиб, предмет, ҳодиса, инсонларни номлар эканмиз, уларни тавсифлашимизга, таъриф беришга тўғри келади. Шу маънода ҳам сифатлар тилда зарурдир. Инглиз тилидаги сифатларни уч гуруҳга ажратиш мумкин.

1. *Gradable* (градуал) ва *Extreme/ non-gradable (ungradable)* (ноградуал ёки ўта паст даражани ифодаловчи сифатлар).

Градуал сифатлар турли хил сифат даражаларини акс эттириши мумкин. Масалан, биз «*hot*»/иссиқ, «*rather hot*»/ анча иссиқ, «*very hot*»/ жуда иссиқ ва «*extremely hot*»/ўта иссиқ дейишимиз мумкин.

Ноградуал сифатлар ўз ичига истисно маъносини, сифатнинг энг юқори даражада намоён бўлишини олади. Уларнинг тузилишини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: *extremely + adjective*.

Масалан, «*extremely hot*» (ўта даражада иссиқ) сўз бирикмаси ўрнига биз битта ноградуал сифатни ишлатишимиз ҳам мумкин «*boiling*» (қайноқ).

Инглиз тилига хос бўлган баъзи бир *Gradable – Nongradable/Ungradable* сифатларини қуйида келтириб ўтамиз:

Angry (жаҳлдор) -*furious* (газабли)

Bad (ёмон) – *horrible, awful, terrible* (даҳшатли, қўрқинчли).

Big (катта) – *huge, vast, giant* (улкан, гигант)



Cold (совуқ) – freezing (қаҳратон)
Hot (иссиқ) – boiling (қайноқ)
Hungry (оч) – starving (очликдан ўладиган)
Old (қари) – ancient (қадим)
Scary (қўрқинчли) – terrifying (даҳшатга солувчи)
Small (кичик) – tiny (майдагина)
Tired (чарчаган) – exhausted (ҳолсиз)

Инглиз тилидаги градуал ва ноградуал сифатларни қандай ишлатиш мумкин деган савол туғилади. Инглиз тилидаги градуал сифатлар қиёсий даражаларга эга. Масалан, *It's hot today. It was hotter yesterday. It will be the hottest day this month.*

Ноградуал сифатлар градуал сифатлардан фарқли ўлароқ қиёсий даражаларни ташкил қилмайдилар, чунки улар сифатнинг максимал даражада намоён бўлишига ишора қилади:

The wardrobe was huge. – Кийим шкафи улкан эди

Ҳам градуал, ҳам ноградуал сифатлар даража равишлари билан бирга қўлланилади, улар сифатни намоён бўлиши даражасини кўрсатади. Бироқ, улар равишларнинг турли хил гуруҳлари саналади.

Градуал сифатлар билан биргаликда қуйидаги равишлар ишлатилади :

a bit (бироз), *a little* (озгина), *slightly* (бироз камроқ), *fairly* (етарлича), *rather* (етарлича, зиёда), *very* (жуда), *extremely* (фавқулодда), *hugely* (ғаройиб, даҳшатли, қўрқинчли), *immensely* (катта даражада, фавқулодда).

Масалан,

It's rather hot in here. – Бу ерда етарлича иссиқ.

She was slightly talkative. – У бироз гапдон эди.

This show is hugely popular. – Бу дастур даҳшат машҳур

Ноградуал сифатлар билан ҳам равишларни ишлатиш мумкин. Бу равишлар сифатни намоён қилишга урғу беради: *absolutely* (мутлақ), *completely* (мутлақ, охирида), *utterly* (мукаммал, юят, ниҳоятда, тўлиқ), *totally* (мукаммал, тотал)

Масалан,

The film was absolutely terrible. – Фильм ўта қўрқинчли эди.

After the long-haul flight Gregory was completely exhausted. – Узоқ рейсдан сўнг Грегори ниҳоятда қийналган эди.

The situation was utterly ridiculous. – Ҳолат гоятда қулғили эди.

Бироқ, «pretty» ва «really» (етарлича, дарҳақиқат, ростдан ҳам) равишлари универсал бўлиб, икки гуруҳ сифатлари билан ҳам ишлатилиши мумкин:

Everyone was really hungry. – Everyone was really starving.

Ҳамма ростдан ҳам оч қолди. – Ҳамма ростданам очидан ўлаёзди.

Юқоридаги мисоллардан кўришиб турибдики, инглиз тилида градуал ва ноградуал сифатларнинг қўлланилиш кўлами кенг бўлиб, уларни таълим жараёнида ўзлаштиришга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Хулоса. Умуман олганда, градуонимик муносабат сўзлар орасидаги даражаланишга асосланади. Градуонимия маъновий муносабатнинг синоним турига жуда яқин туради. Ўзбек ва инглиз тилларидаги градуонимик қатор бир белгининг турли даражада ифодаланишини кўрсатиши кўзга ташланади. Икки тилдаги маъновий



муносабатнинг мавжуд турлари ўзаро алоқадорликда бўлиб, шу билан бирга улар ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

Адабиётлар:

1. Джаббарова Р., Гиясов С. Применение метода компонентного анализа качественных прилагательных узбекского языка. «Советская тюркология», 1978, вып. 2.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик, Москва: 1981.
3. Гордон Е. М., Крылова И. П. Грамматика современного английского языка. 3-е изд., испр. и доп. Москва: Высшая школа, 1986.
4. Фурс Л. А., Назарова И. В. Когнитивные аспекты формирования категории градуальности // Вопросы когнитивной лингвистики. 2008. № 4. -С. 33–37.
5. Навоий Алишер Муҳокаматул-луғатайн. 15 томлик, 14-том, Тошкент: 1968.
6. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуономия. НДА. Тошкент: 1996.
7. Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. Москва: 1978.
8. M.U. KHAMDAMOVNA. TYPES OF IRONY AND ITS USAGE IN THE CONTEXT. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY/ BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMII AXBOROTI. 2/78, 2020, 208-213. УДК: 616.89-008.444.5
11. Mavlonova Ugiyoy Khamdamovna. THE ROLE OF IRONY IN UZBEK LITERATURE. SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. 2021/3(85), P. 50-59
12. Mavlonova U Kh, RA Akhmedova. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN EXAMPLES FROM GENERAL CASES. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 24-26.
13. Mavlonova Ugiyoy Khamdamovna, "IRONY IN FITRAT'S DRAMAS", *IEJRD - International Multidisciplinary Journal*, vol. 5, no. CONGRESS, p. 3, Nov. 2020.
14. Mavlonova Ugiyoy Khamdamovna, Makhmurova Mavjuda Khalimovna. ANALYSIS OF SITUATIONAL IRONY IN LITERATURE. ЖУРНАЛ «ACADEMY» © ИЗДАТЕЛЬСТВО «ПРОБЛЕМЫ НАУКИ». Том 62, номер 11, ст. 26-27.
15. Mavlonova Ugiyoy Khamdamovna. (2021). IRONY IN LYRICS. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 2(4), 77-81. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/609>
16. У.Х. Мавлянова. КИНОЯНИНГ ОҒЗАКИ, ВАЗИЯТЛИ ВА ДРАМАТИК КҮРИНИШЛАРДА ҚЎЛЛАНИЛИШ АҲАМИЯТИ - МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 2021.
17. Sharipov Sohob Salimovich, Nematova Mohibegim Fazliddinovna. Dictionaries in Modern Life. International Journal on Integrated Education. 2/6, 166-168, 2020.
18. Akhmedova Rano Ashurovna, Nematova Mohibegim Fazliddinovna, Ochilova Nigora Makhmudjanovna. Usage of flora in the early modern English poetry. Вестник науки и образования. 7-2 (85), 51-53, 2020.
19. Moxibegim Fazliddinovna Nematova. Graduonomic synonymies in the languages of uzbek, english and russian lexicography. Academy, 2021/1, 63-66.
20. Мохибегим Фазлиддиновна Нейматова. ГРАДУОНИМИЧЕСКИЕ РЯДЫ В СЛОВАРЕ УЗБЕКСКИХ, РУССКИХ И АНГЛИЙСКИХ СИНОНИМОВ. Вестник науки и образования. 2-2 (105), 56-58, 2021.